

КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ЖИЛОВЛАШ ОРҚАЛИ ХАВФСИЗ КИБЕРМАКОН ЯРАТИШ

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Долзарб мавзу

Янги Ўзбекистондаги кенг қўламли стратегик ислохотлар ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги шароитда жиноятларни содир этишга шарт-шароит яратаётган ҳар қандай иллатга нисбатан мурасасиз курашиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз, кундалик ташвишимизга айланиши лозим.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашиш йўналишидаги тадқиқотлар натижалари янгича ривожланиш босқичлари жиноятларнинг янги қўринишлари шаклланишига туртки бўлаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, рақамлаштиришнинг юқори суръатларда ривожланиши таъсирида жиноятлар шакллари ва уни содир этиш усуллари замонавийлашиб, ахборот технологиялари шахсга ва унинг мулкига тажовуз қилишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, кибержиноятчиликнинг содир этилишида асосий омил бўлаётгир.

Давоми 3-бетда



Ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти ва жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини, аввало, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган яхлит ва изчил ёндашувларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу, айниқса, Ўзбекистон каби фаол ислохотлар босқичида турган давлатлар учун жуда муҳим.

ИЛҒОР БИЛИМ, ТАҲЛИЛИЙ ТАФАККУР

ёки юқори касбий маданиятга эга инсонларсиз ҳар қандай ислохот амалий самара бермайди

Малакали ва юқори билимга эга мутахассислар фақатгина стратегияларни амалга оширувчилар эмас, балки уларни шакллантирувчи, амалиётга жорий этувчи ва замон талабларига мослаштирувчилар ҳамдир. Илғор билим, таҳлилий тафаккур, халқаро тажриба ва юқори касбий маданиятга эга инсонларсиз ҳар қандай ислохотлар амалий самара бериши қийин. Хорижда таълим олиш энг муҳим восита-лардан бири, бу орқали Ўзбекистонлик талаба

ва мутахассислар дунёдаги энг илғор таълим манбаларига эга бўлади. Фан, технология, бошқарув ва бизнесдаги замонавий ёндашувларни ўзлаштиради. Шунингдек, чет элда ўқиш жараёнида турли маданиятлар билан мулоқот қилиш, глобал тафаккур, рақамли инновация каби кўникмалар шаклланади. Бу эса бугунги кунда кўп қиррали ва замонавий касбларни ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 2-бетда

“АРДА ХИВА” — ХОРАЗМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

Президентимизнинг вилоятимизга ҳар галги ташрифи биз, хоразмликлар қалбида чексиз ғурур, фахр ва шукроналик туйғуларини уйғотади. Негаки давлатимиз раҳбари вилоятимизга катта-катта маблағ, йирик қурилишларни амалга ошириш учун қатор ташаббуслар билан келади. Бу эса, ўз навбатида, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга аҳоли фаровонлигини юксалтириб, бандлигини таъминлайди.



Энг асосийси, Президентимизни қўриб хоразмликлар илҳомланади, куч олади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 1-2 май кунлари вилоятимизга навбатдаги ташрифи ҳудуд ривожини, аҳоли фаровонлигини

оширишга замин бўлувчи тарихий воқеаларга бой ўтди. Уларга тўхталишдан олдин Президентимизнинг қуйидаги эътирофини эслаб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади, назаримда: “Хоразм дунё цивилизацияси

ва маданиятга бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ гавҳаридир. Бу кўнра юрт жаҳонга донги кетган не-не олимۇ фозилар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетакорр шоир ва ҳофизлар ватанидир”.

Давоми 2-бетда



9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ҒАЛАБА БАЁННОМАСИНИ ОЛИБ КЕЛГАН ЎЗБЕК

Бемисл кулфату оғир жудоликлар билан инсоният тарихида мудҳиш из қолдирган фашизм балоси устидан қозонилган ғалабага бу йил 80 йил тўлади. Бутун дунё тинчликпарвар халқлари бу кунни катта байрам қилади, уруш ва унинг сабабчиларини лаънатлайди.

Ушбу мақолада фашистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлгани — капитуляцияси тўғрисидаги акт — баённомани Берлиндан Москвага етказишдек шарафли вазифани адо этган Ўзбек ўғлони, ҳарбий транспорт ва фуқаро авиациясидаги биринчи Ўзбек учувчиси, “Ли-2” экипажи командири Абдусамат Тайметов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Абдусамат Тайметов 1909 йил 5 январда Сирдарё вилояти Туркистон уездининг (ҳозирги Қозоғистон) Чернак қишлоғида тугилган. Ёшлигидан меҳнатсевар ва билимга интилувчан бўлгани учун мактабда яхши таҳсил олди. Табиатан қизиқувчан эмасми, болалик чоғларида унда бир “касалик” пайдо бўлди, уни осмон бор сеҳру жозибаси, чексиз сиру синоати билан ўзига чорлар эди. У жамоа ҳўжалигига берилган янги “Фордзон”

тракторини илк бор кўрганида “Бу нима экан, қандай ҳаракатланипти?” дея ўйлаб қолар, бу жумбоқнинг тағига етишни хоҳларди. Қишлоғи осмонидан учиб ўтадиган “само кемалари”ни кўрганда эса батамом ўзини унутар, бу қанотли мўъжизаларга боққан сари юраги ҳаприқиб, ўзининг ўрни ерда эмаслиги, осмон учун тугилганини ҳис этарди. Бироқ ёш Абдусаматнинг парвоз қилишига ҳали анча вақт бор эди. 1932 йилда у планер мактабига ўқишга кирди. Планердаги парвозларда қаҳрамонимиз бу айнан сеvimли машғулотни эканига қатъий ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун 1933 йили 3-фуқаро ҳаво флотини учувчилари ва техниклари бирлашган мактабига кириш учун ариза топширди. Қабул қилинган икки мингта яқин курсант орасида Тайметов ягона ўзбек эди.



Икки йиллик таҳсил давомида ёш учувчи “У-2” ўқув самолёти, “П-5” йўловчи, “Р-5” енгил бомбардимончи самолётларини бошқаришни ўрганди. Шундан сўнг уни жонажон

республикасига — Ўзбекистон авиация отрядига ишга тайинлашди.

Давоми 5-бетда

Инсон учун

МАТОНАТЛИЛАР МАЙДОНИ


Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб қилишнинг янги даври бошланди

Пойтахтимизда ўтказилган II анъанавий “Инсон учун” кўргазмаси тадбирлари доирасида адаптив спортни тарғиб қилишга бағишланган “Бизнинг майдон — ирода ва матонатлилар майдони” мавзусида матбуот анжумани ташкил қилинди. Анжуман иштирокчиларига паралимпия, сурдоолимпия, махсус олимпиада ва кўзи ожизлар учун спорт турларини бирлаштирган ягона тизим ҳақида ахборотлар тақдим қилинди.

Таъкидланганидек, бугун спорт соҳасидаги ислохотлар имконияти чекланган шахсларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши ҳамда “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга оширишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 8 ноябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ўзбекистон адаптив спорт турлари ассоциацияси ташкил этилди ва унинг ташкилий

тузилмаси тасдиқланди. Хусусан, ассоциация таркибидан Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси, Ўзбекистон қарлар спорт федерацияси, Ўзбекистон кўзи ожизлар спорт федерацияси, “Ўзбекистон махсус олимпиадаси” республика спорт жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон адаптив спорт турлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлиналари, Адаптив жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда ногиронлар спорт соҳасидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ўрин олди.

Давоми 6-бетда



ЭНДИ ХИВА ТУМАНИДАН 2400 ГЕКТАР ЕР ХИВА ШАҲРИГА ЎТКАЗИЛИБ, У ЖОЙДА “САҲРО ЮЛДУЗИ” ТУРИСТИК МАЖМУАСИ БУНЁД ЭТИЛАДИ. БИР ҚАТОР ТУМАНЛАРИМИЗДА ТУРИЗМ ҚИШЛОҚЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН БЎЛДИ. БУ ЭСА, ЎЗ НАВБАТИДА, ВИЛОЯТИМИЗ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

“АРДА ХИВА” — ХОРАЗМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

Бошланиши 1-бетда

Буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос, шу жумладан, бу ердаги мухташам тарихий обидалар дунё ахлини доим ўзига чорлаб келади. Хусусан, очиқ осмон остидаги шаҳар-музей — Ичан қалъа мажмуаси умумбаъшарият хазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Умуман олганда, вилоятимизда 260 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд. Улар ноёб ва гўзал меъморий қиёфаси билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг жаҳон равнақидаги бетакорор ўрнини белгилаб берадиган тирик тарихдир.

Бу галги ташриф, биринчи навбатда, шуниси билан аҳамиятлики, вилоятимиз тарих ва замонавийлики ўзида муассас этган яна бир мажмуа — “Арда Хива” билан бойиди. Мажмуа қадим кент ичра яна бир бетакорор шаҳарни эсла-тади. Мазкур маскан ўзида тарих ва бугунни уй-ғушлаштирган меъморий ечимни билан ноёб лойи-ҳа саналади. Унинг бир томони 150 гектарли Говуққўлга туташиб кетгани, бу майдонда яшил ҳудудлар ташкил этилаётгани лойиҳани сайёҳ-лар учун янада жозибадор қўрсатади. Ичан қалъа тарихий бўлса, “Арда Хива” Хоразмнинг замонавий ташриф қоғози бўлади.

Давлатимиз раҳбари қерда бўлмасин, ҳар доим буюк аждодларимизни эслаб, уларга юк-сак эҳтиром намунасини кўрсатади, руҳини шод этади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Президентимиз

илм-маърифат машғаллари бўлган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳ-муд, Огаҳий, ватанпарварлик тимсоли бўлган Нажмиддин Кубро ва Жалолиддин Мангуберди сингари улуг зотлар халқимизнинг фахру ифти-хориридир, дея алоҳида қайд этди.

825 йил ўтиб буюк саркарда ва давлат арбо-би Султон Жалолиддин юртига қайтди. Унга мардлик ва жасоратига муносиб ҳайкал ўр-натилди. Урганч халқаро аэропорти яқинида 130 гектардан зиёд ҳудудда улуг бобомиз Ал-Хоразмий номидаги шаҳарча қурилиши давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил августда ушбу шаҳарча пойдеворига тамал тоши қўй-ган эди. Ўтган йилларда муҳандислик тармоқ-лари тортилиб, 1773 та хонадонли 72 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Бу йил мингта хонадонли яна 28 та турар жой қурилиши режалаштирилган. Бу ерда жами 5 мингдан ортиқ хонадон бўлади. Самолётдан тушган меҳмонларнинг кўз ўнгига, аввало, мана шу гўзал маскан намоён бўлади. Шаҳар-ча марказида Хоразмий бобомизнинг муззам ҳайкали ўрнатилди.

Ташрифнинг биз учун яна бир муҳим юту-ғи — асрлар давомида халқимизни қийнаб келган муаммо ечилди. Яъни Хивага замон талабларига мос поезд келди. Бухоро — Урганч — Хива темир йўли электрлаштирилиб,

ҳимоя тўсиқлари ўрнатилди ва зарур иншоот-лар қурилди. Бу йўналиш учун Жанубий Ко-реянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан юқори тезликдаги 6 та электропоезд харид қилиниб, келгуси йилдан “Жалолиддин Ман-губерди” номи остида Тошкент — Хива йўна-лишига қўйиладиган бўлди. Натижада йилига 3 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўр-сатилади.

“Вақтинг кетди — бахтинг кетди, вақтинг кетди — нақднинг кетди” деган нақл бор. Ҳозир Тошкентдан Хивага 14 соатда келадиغان поезд мазкур йўналишда ҳаракатга қўйиладиган электропоезд имкониятлари туфайли 7 соат 40 дақиқада етиб боради. Айтинг, бу ҳаётда энг қиммат нарса вақт эмасми? Вақтнинг тежали-ши бахт эмасми?

Яна бир янгилик — энди Хива туманидан 2400 гектар ер Хива шаҳрига ўтказилиб, у жойда “Сахро юлдузи” туристик мажмуаси бунёд эти-лади. Бир қатор туманларимизда туризм қишлоқ-лари ташкил этиладиган бўлди. Бу эса, ўз навба-тида, вилоятимиз туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Райимбой ШЕРЖОНОВ,
Халқ депутатлари Хоразм
вилояти кенгаши депутати,
“Дўстлик” ордени соҳиби



КИЧИК БИЗНЕСНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Бошланиши 1-бетда

Шунга мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахслар якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганда давлат божи ўндирилмайди. Бундан ташқари, ўз фаолиятини якка тартибдаги тадбиркор, микрофирма ёки кичик корхона тоифасигача йириклаштирган қи-ямат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) етти кун муддатда тезлаштирилган тартиб-да амалга оширилади.

Айни мақсадда 2025 йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 120 триллион сўм, жумладан, тадбиркорлик дастурлари доирасида 22 триллион сўм кредит ажратили-ши назарда тутилди.

Фармонда кичик ва ўрта бизнес субъект-лари учун соддалашган маъмурий тартиб-тао-милларни жорий қилиш белгиланди. 2025 йил 1 июлдан 2028 йил 1 январга қадар кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига янги маж-буриятлар юклатилишини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга мораторий эълон қилинади. Тадбиркорлик субъектларига янги тартибга солиш воситала-рини белгилашни ёки амалдагиларини қуцай-тиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан “ягона санадан янги қондалар” тамойили қўлланади. 2028 йил 1 январга қадар “Биринчи имконият” тамо-йили жорий этилади ва унинг доирасида биринчи фаолият йили давомида савдо ва тадбиркорлик соҳаларига оид маъмурий ҳу-қуқбузарлиқни илк бор содир этган кичик



тадбиркорлик субъектлари маъмурий жавоб-гарликдан озод этилади.

2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берув-чи кичик ва ўрта бизнес субъектлари фао-лиятини ихтиёрий равишда тугатишда солиқ текшируви ўтказилмайди. Яъни охириг уч йилда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади 10 мил-лиард сўмдан ошмаган, бюджет ва кредитор-лар олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаган ҳамда мунтазам равишда солиқ ҳисоботлари-ни тақдим этаётган, “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст даражада таснифлангани инобатга олинади.

Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнес учун инфратузилмани яхшилаш мақсадида қатор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади. Бунинг учун 2025 йилда ҳудудлар-да драйвер лойиҳаларни зарур инфратузилма

билан таъминлаш учун қўшимча 500 мил-лиард сўм ажратилади. 2025 йил 1 июлдан лойиҳа офислари тавсиясига асосан, юқори технологик маҳсулотлар ишлаб қуравчи тадбиркорлик субъектларига майдони 10 минг квадрат метргача бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини 5 йилга текин фойдаланишга бериш тизими жорий этиладиган бўлди.

Фармонга кўра, 15 та туман (шаҳар)даги маҳаллий бошқарув органлари ва давлат ташкилотлари биноларига тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш дастури амал-га оширилади. Бунинг доирасида маҳаллий бошқарув органлари ва давлат ташкилотлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ва-зирлиги томонидан ишлаб чиқилган намуна-вий лойиҳа асосида янги барпо этиладиган кўп қаватли бинога жойлаштирилади. Бу биноларнинг 1- ва 2-қаватлари тадбиркорлик субъектларига мулк ҳуқуқи асосида реали-

ЯНГИ ТИЗИМГА АСОСАН, ЭНДИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН 3 ТА ДАСТУР — МАЛАКА ОШИРИШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАГИСТРАТУРА БЎЛАДИ.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



зация қилинади. Бундан ташқари, маҳаллий бошқарув органлари ва давлат ташкилот-ларини кўчириш натижасида бўшайдиган давлат кўчмас мулк объектлари бизнес лой-иҳаларини амалга ошириш учун электрон онлайн аукцион савдоларга чиқарилади.

2026 йил якунига қадар венчур жамғарма-лар иштирокида янги бизнес йўналишларида камида 200 та стартап лойиҳа рўёбга чиқари-лиши таъминланади. Муваффақиятли амалга оширилган ҳар бир стартап лойиҳа натижа-сида яратилган янги турдаги маҳсулотлар ва хизматларни техник регламентлар ҳамда стандартларга киритиш орқали уларнинг давлат харидлари тизимида сотилиши йўл-га қўйилади. Стартап лойиҳада амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида “UzVC” миллий венчур фонди ҳузурида Стартап лой-иҳаларни мувофиқлаштириш маркази таш-кил этилади. Илгор халқаро тажрибалар асо-сида стартаплар, венчур молиялаштириш ва “бизнес фаришталар” фаолиятини тартибга



солувчи қонунчилик ҳужжатларини тақомил-лаштириш, бунда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмлари-ни белгилаш ҳам назарда тутилган. “Global startup ecosystem index” рейтингига Ўзбекис-тонни Top-75 мамлакат рўйхатига олиб чи-қишни таъминлашни юртимизнинг бу бора-даги нуфузини янада ошириш имкониятини яратди. Бу эса, ўз навбатида, илгор хорижий тажрибалар асосида Ўзбекистонда стартап ва инновацияларни тижоратлаштириш жараё-нининг ҳар бир босқичини тизимли тартибга солиш заруратини келтириб чиқаради.

Фармон ижросини таъминлаш ва назорат қилишнинг аниқ ҳамда истиқболли механизм-лари белгилангани соҳада чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширишнинг гоят муҳим гарови бўлади. Шунинг учун мазкур фармон билан Кичик бизнес уюшмаси ташкил эти-лади. Айниқса, 2025-2030 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегияси белгилангани соҳада муҳим ўзгаришларга за-мин яратади. Ушбу стратегиянинг асосий мақ-сади ягона давлат сиёсатини орийтиш орқали кичик ва ўрта бизнес учун энг қулай шарт-шар-онглар яратиш ҳамда соҳада рақобатбардош-ликни оширишга қаратилган.

Ҳужжатда назарда тутилган вазифалар-ни жойларда ташкил этиш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ташкилий-амалий ишларни бажариш талаб этилади. Те-гишли манфаатдор ташкилотлар зиммасига ҳар ҳафта биттадан туман (шаҳар)га чиққан ҳолда кичик ва ўрта бизнес субъектлари

билан учрашувлар ўтказиб, лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш юклатилган. Бундай учрашувларда кўтарилган масалалар-ни ҳал қилиш бўйича алоҳида платформани ишга тушириш, учрашувлар ўтказиш вақти ва жойи ҳақида олдиндан маҳаллий телеви-денне, оммавий ахборот воситалари ва иж-тимоий тармоқларда эълон қилиб бориш бил-лан боғлиқ вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ва бизнес учун малакали мутахасссларни тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш мақ-садида касбий таълим ва тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш тизими самарадорли-гини янада оширишга алоҳида эътибор қарати-лади. Илгор хорижий тажриба ва маҳаллий шарт-шаронгларга асосланган Тадбиркорлик квалификациялар рамкаси (Entrepreneurship Competence Framework) ишлаб чиқилиб, ама-лиётга жорий этилади. Давлат касбий таълим ташкилотларига тегишли бўлган ва амалда фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар ҳам-да ер участкаларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, ўқувчиларни дуал таълим шаклида ишга олиш ва амалиёт дарслари-ни ташкил этиш шарти билан тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш тизими яра-тилади. Янги технологиялар, ёндашувлар билан ишлашга қодир малакали кадрларни тайёрлаш учун кичик ва ўрта бизнес ҳамда таълим ташкилотлари иштирокида қўшма таълим ҳамда амалиёт дастурлари амалиётга киритилиди. Таълимнинг барча босқичлари-да аҳолининг тадбиркорлик кўникмалари, молиявий саводхонлик даражасини ошириш-га қаратилган дастурлар тузилади.

Иқтисодий салоҳияти юқори ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари, университетлар, илмий-тадқиқот институтлари ва илмий мар-казлар ўртасидаги ҳамкорлиқни таъминловчи юқори технологиялар марказларини ташкил этиш билан боғлиқ кенг қўламли вазифалар белгилангани диққатга сазовор.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ролини оширишга қаратилган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган вазифалар ижроси са-марали таъминлашни аҳоли фаровонлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш-нинг энг муҳим омили бўлади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор



КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ЖИЛОВЛАШ ОРҚАЛИ ХАВФСИЗ КИБЕРМАКОН ЯРАТИШ

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ



Азиз ТОШПЎЛАТОВ,
ички ишлар вазири,
генерал-майор

Бошланиши 1-бетда

Шу сабабли ҳозирги вақтда бутун дунёда кибержиноятчиликка қарши курашишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Кибержиноятларнинг турлари ва ушбу жиноятни содир этаётган шахслар сони ортиб бораётгани янги таҳдидлар юзага келиши билан изоҳланмоқда.

Таҳлиллар ва статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда кибержиноятлар ортдан келадиган йиллик глобал зарар 11,4 триллион долларга тенг бўлган, 2026 йилда 120 фоиз ўсиб, 25,8 триллион долларга етиши башорат қилинмоқда. Айрим манбаларда таъкидланишича, 2026 йилга келиб кибержиноятлар глобал трансмиллий жиноятларнинг умумий сонидан кўра 5 баравар кўпроқ содир этилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, 2030 йилга бориб дунёда кибержиноятларга қарши курашувчи тузилмалар давлат ва хусусий серверлар, булутли маълумот марказлари, шахсий компьютер ва қурилмаларда сақланган жами 2 минг зеттабайтлик (икки триллион терабайт) маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаши лозим бўлади. Чунки кибержиноятчиликнинг авж олиши оқибатида инсталлан корхона-ташқиловнинг маълумотлар базалари киберхужумга учраши эҳтимолини рад этиб бўлмайди. Шу сабабли бу борада мустақкам ҳимоя чораларини кўриши талаб этилади.

Ўз навбатида, кибержиноятчиликка қарши курашишда ушбу турдаги жиноятларнинг латентлигини инобатга олиш керак бўлади. Мутахассислар фикрича, кибержиноятларнинг латентлиги АҚШда 80 фоиз, Буюк Британияда 85 фоиз, Германияда 75 фоиз, Россияда 90 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил қилади. Бу эса кибержиноятларнинг содир этилиши бўйича реал

нисбатан 9,1 баравар ошган. Ушбу даврда кибермакондаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар сони 34 баравар кўпайган.

Мазкур жиноятлар натижасида фуқароларнинг 1 триллион 909 миллиард сўмдан ортиқ маблағи талон-тарож қилинган.

2019 йилда ахборот технологиялари орқали 18 турдаги 863 та жиноят содир этилган бўлса, 2024 йилда 62 турдаги 58 минг 800 та жиноят қайд этилгани ҳамда кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши сезиларли равишда ортиши кузатишгани уларнинг олдини олиш заруратини янада долзарблаштирмоқда.

2023 йилда кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 44,4 фоизга етиб, деярли ҳар иккита жиноятнинг бири ахборот технологиялари орқали содир этилди. Бу ҳолат уларнинг олдини олиш тизимини мунтазам, йилмайил такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Кибержиноятларнинг асосий қисмини (98 фоизи) банк карталари билан боғлиқ жиноятлар (киберўғрилик ва киберфирибгарлик) ташкил этмоқда.

Кибержиноятлар асосан қуйидаги усулларда содир этилмоқда:

— 60 фоизи зарарли ҳаволалар ва дастурлар юбориш орқали банк картаси ёки мобил қурилма бошқарувини қўлга киритиш йўли билан;

— 16 фоизи турли алдовлар билан банк картаси ҳамда мобил иловалардаги аккаунтлар бошқарувини тасдиқловчи SMS кодни қўлга киритиш йўли билан;



Президентимизнинг жорий йил 30 апрелдаги қарори юртимизда ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган кибержиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, кибержиноятлар содир этилишига сабаб бўлаётган муаммоларни тизимли чоралар орқали ҳал қилиш, кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ягона ишлаш амалиётини йўлга қўйиш, бу борада барча масъул давлат органлари ва муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда манзилли ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича ваколатли органи белгилаш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасидаги самарали чора-тадбирларнинг навбатдаги муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

— 4 фоизи шахс номига онлайн кредит расмийлаштириш орқали;

— 11 фоизи онлайн савдо платформаларидаги фирибгарликлар орқали;



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ҳолатлар статистикаси бундан ҳам юқори кўрсаткичларни ташкил этиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Глобаллашув ва рақамлаштириш муҳтида рақамли технологиялар воситасида содир этилаётган жиноятлар йилдан йилга кўпайиб, аънавий жиноятларнинг кибержиноятларга трансформацияси юртимизда ҳам кенгайиб бораётгани кузатишмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда сўнгги беш йилликда кибержиноятлар 68 баравар, биргина ўтган йилда эса 2023 йилдагига

— 9 фоизи турли усулдаги фирибгарлик схемалари орқали фуқароларнинг пул маблағларини жалб қилиш тарзида содир этилмоқда.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва статистик маълумотлар асосида ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тарқалиши ва реал вақт режимида чексиз ахборот алмашинуви имкониятлари ортиб бориши шароитида кибержиноятлар мураккаб трансмиллий муаммага айланиб бораётганини кўриш мумкин.



Бу эса кибермаконда хавфсиз муҳитни яратиш учун инновацион ёндашувлар асосида кибержиноятларга қарши курашиш усулларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда илмий тадқиқотлар доирасида кибержиноятлар олдини олиш ва кибермаконда хавфсиз муҳитни яратиш учун турли ёндашув ва услублар тақлиф этилмоқда.

Кибержиноятларнинг олдини олиш муаммоларининг долзарб масалалари юзасидан етук олимлар томонидан илмий тадқиқотлар қилиниб, бу бўйича инновацион ёндашувларга оид мулоҳазалар биндирилган.

Бу бўйича нафақат илмий марказлар ва тадқиқот муассасалари, балки айрим ривожланган давлатларда ҳам етарлича стратегик усуллар ишлаб чиқилгани кузатишган.

Хусусан, рақамли технологияларни жорий этиш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича илгор тажрибага эга Сингапур, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Буюк Британия каби давлатлар томонидан узоқ йиллик стратегик масалалар қўйилиб, кибержиноятларнинг олдини олиш муаммоларининг айрим масалалари ечилган.



Мазкур йўналиш халқаро ташкилотлар, хусусан, НАТО томонидан ҳам глобал муаммо сифатида қайд этилган. Ушбу муаммонинг аҳамияти блокнинг сўнгги йилларда қабул қилинган барча бошқарув ҳужжатларида Ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, болалар кибержиноятлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида ЮНИСЕФ томонидан ҳам бир неча йилриқ лойиҳа амалга оширилган.

Юқоридаги таҳлиллар натижасидан кўринадики, кибержиноятларнинг янги турлари ва шакллари юзага келаётгани сабабли уларга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 30 апрелдаги қарори юртимизда ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган кибержиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, кибержиноятлар содир этилишига сабаб бўлаётган муаммоларни тизимли чоралар орқали ҳал қилиш, кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ягона ишлаш амалиётини йўлга қўйиш, бу борада барча масъул давлат органлари ва муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда манзилли ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича ваколатли органи белгилаш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасидаги самарали чора-тадбирларнинг навбатдаги муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

“Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши

курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги мазкур қарорга асосан, кибержиноятларнинг барвақт олдини олиш йўналишида қуйидаги чораларни кўриш белгиланди:

Биринчидан, банклар томонидан шубҳали молиявий амалиётлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тезкор хабар бериш тизими йўлга қўйилади. Бунда Марказий банкда шубҳали ўтказмаларни аниқлаш механизми ишлаб чиқилади ва маълумотлар электрон маълумотлар алмашинуви тизими орқали Ички ишлар вазирлигига юборилади. Натижада фуқаролар фирибгарлик схемаларига инвестиция киритиш ва алданиб қолиш ҳолатларининг барвақт олди олинади, фирибгарлик жиноятлари, жумладан, “молиявий пирамида” орқали

бўлган банклар ва тўлов иловаларини аниқлаш ва танлаш имконияти пайдо бўлади.

Учинчидан, сохта қўнғирқоларни чеклаш (телеком антифрод) тизими тўлиқ жорий қилинади. Бугунги кунда мобил қурилмалардан фойдаланувчи фуқароларнинг деярли 95 фоизига нисбатан сохта қўнғирқолар орқали алдовлар билан шахсга доир маълумотларни ўғирлашга уринишлар содир этилмоқда. Натижада сохта қўнғирқолар орқали содир этиладиган фирибгарликнинг тўлиқ олдини олиш имконияти пайдо бўлади.

Тўртинчидан, ҳар йили “Кибермаданиятни юксалтириш ойлари” комплекс тарғибот тадбирлари ўтказилади. Кибержиноятлар таҳлиллари уларнинг 95 фоизда жабрланувчиларнинг ўзи жиноятга шароит яратиб берганини кўрсатмоқда. Киберсаводхонлиги етарли эмаслиги сабабли фуқароларнинг ўзи шахсий маълумотларини фирибгарларга тақдим этмоқда ёки ижтимоий тармоқлардан зарарли дастурларни юклаб олмақда.

Шунга кўра, ҳар йилнинг ноябрь ойида кибертарғибот ойл�и ўтказиш, тарғибот олиб боришда барча манфаатдор вазирлик ва идоралар, нодавлат ва жамоатчилик муассасалари масъулиятини ошириш учун йиллик дастурни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаш тартибини жорий этиш белгиланган.

Бешинчидан, аҳолининг огоҳлигини ошириб бориш бўйича барча давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида доимий тарғибот-ташвиқот олиб борилади. Кибержиноятларнинг шакл ва усуллари тезликда янгиланиб, қисқа муддатда қўллаб-қўлланганининг жабрланиб қолаётгани кузатишмоқда.

Бу, ўз навбатида, янги турдаги кибертаҳдидлардан аҳолининг барча қатламлари огоҳлантириш орқали салбий оқибатларнинг барвақт олдини олиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шунга кўра, фаол ва таъсирчан ташвиқот олиб бориш бўйича барча ОАВ ва интернет нашрлари масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш, ҳар бир шахсда бошқаларни янги таҳдиддан огоҳлантириш, “ижтимоий фойдали иш” сифатида ёндашувни шакллантириш, барчанинг шахсий фаоллигини уйғотиш талаб этилади.

Олтинчидан, тарғиботда интернет тармоқларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда ташвиқот тадбирларини ёшлар ўртасида умуммиллий ҳаракат сифатида ташкил этиш.

Бугун ёшлар асосий вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказиши ҳамда миллий қадриятларимизга ёт гоълар тарғиботи кенг тарқалиши кузатишмоқда. Интернетда мақсадли (таргет) рекламалар асосида тарғибот олиб бориш харажат талаб этса-да, таъсирчан ҳисобланиши исботланмоқда.

Еттинчидан, “Ахборот технологияларидан фойдаланиш содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш. Кибержиноятларга қарши курашиш бўйича ХМКО, банклар, манфаатдор идоралар ва жамоатчилик муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва соҳадаги фаолиятини манзилли йўналтириш тартиби жорий этилмаган. Мазкур соҳадаги муносабатларни тарғибот солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас, муҳим масалалар белгилаб берилмаган. Янги қонун қабул қилиниши билан кибержиноятларга қарши курашиш бўйича масъул ва қўмлашувчи муассасалар, уларнинг вазифа ҳамда ваколатлари белгиланиши, кибержиноятларнинг барвақт олдини олиш мақсадида комплекс чоралар кўриб бориш тизими яратилади ва бу Ўзбекистоннинг халқаро рейтингдаги имижни ошишига хизмат қилади.

Юқоридагилардан кўринадики, фуқароларни кибертаҳдидлардан барвақт огоҳлантириш, уларда киберхавфсизликнинг дастлабки элементларига риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш кибержиноятчиликка қарши курашиш йўналишидаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Хавфсиз кибермакон яратиш ва кибержиноятларнинг барвақт олдини олиш барчанинг масъулиятини англаши ва биргаликда ишлашини талаб этадиган мураккаб жараёндир. Кибермакон хавфсизлигини таъминлаш, кибержиноятлар содир этилишига сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида терговга қадар текширув ҳужжатларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда жиноят ишларини илмий ёндашувлар билан ўрганиш орқали асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этишда замонвий технологиялардан фойдаланиш муҳим омиллардан бири саналади.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ 55 ЙИЛЛИК ОРЗУСИ УШАЛДИ

Бу қишлоққа биринчилардан бўлиб Беғам бобо кўчиб келганди. У пайтлар атроф чўлу биёбон эди. Одам оёғи етган жой аста-секин ўзлаштирилиб, катта майдонларга пахта экила бошланди. Бунинг учун, энг аввало, сув керак эди. Аммо сахрога оқар сув келтиришнинг ўзи бўлмасди. Лоток ариқлар орқали бу муаммо ҳам босқичма-босқич ҳал этилди. Афсуски, ўша йиллари шунча меҳнат қилинган бўлса-да, аҳолининг томорқасини сўғоришга имконият яратилмади. Айниқса, бунинг учун Беғам бобо кўп ҳаракат қилди. Мурожаат қилмаган идораси, учрашмаган раҳбари қолмади.



Болалигидан ҳовлисиди полиз маҳсулотлари етиштириб, бирор марта бозордан сотиб олишга одатланмагани боис, бунга кўникиши мушкул бўлди. Ўзича мустақил сув тортиб келиш режасини тузиб, бир неча бор уриниб кўрди, лекин қишлоғи анча тепалиқда жойлашгани учун осон кечмади. Шундай бўлишига қарамай, ҳар сафар баҳорда нимадир эмқоқчи бўлиб бел боғлар, лекин сув йўқлигидан афсусланганча қоларди.

Жорий йил бошидан қишлоқларга оқар сув келтириш борасидаги хабарни эшитиб, Беғам бобо Қўлдошнинг боши осмонга етди. “Сув келганини кўрсасам-да, келиш дарагидан хабар топдим”, дея унчалик ишонмай, ўзини овутиб юрди. Аммо эрта баҳордан қизгин иш бошлангани гувоҳи бўлиб, кўзларига ишонмади. Ахир бир умрлик орзуси амалга ошаётганда. Буни нақ эллик беш йил кутди. Бугун соч-соқоли оқариб, ёши саксон бешга кириб қўйди.

Бобо тинч ўтирмолади. Шу кунларга етказганига шукрона айтиб, ҳашарга ўзи бош бўлди. Қувур тортувчи мутахассисларга ёрдамга чиқиб, аҳолини ҳам, маҳалла раисини ҳам шунга унади. Сув келтирган азиз деганларидек, ҳашарда иштирок этаётганларнинг ҳолидан хабар олиб турди.

— Олдин ҳам кўп бор қишлоқдошлар билан бирга оқар сув олиб келишга ҳаракат қилгандик, — дейди Нишон тумани Оқлтин маҳалласида яшовчи Беғам бобо Қўлдошов. — Лекин барчаси бесамак кетганди. Бир йили аҳоли бир ёқадан бош чиқариб, ўз маблагини ҳисобига олиб келмоқчи бўлди. Барча бирдек ҳаракатни бошлаб, қисқабил кўрсак, катта харажат экан. Имкониятимиз етмагани боис, яна шу ҳолича қолиб кетди. Барчамизда томорқа бори. Афсуски, экин экишга сув йўқ эди. Энди бу муаммо

ҳал бўлди. Ҳозир қайси хонадонга борманг, ҳовлиси бўш турганини кўрмайсиз. Одамларимиз хурсанд. Бундай қулайликнинг қадрига етиб, ўзлари ташаббус кўрсатган ҳолда меҳнат қилмоқда. Энди бозордан турли маҳсулотларни харид қилиб юрмай, ўзимиз етиштирамиз. Ўз қўлинг билан етиштирганингга нима етсин!

Жорий йилда оғир тоифали маҳаллалар қаторига киритилган Оқлтин ҳудудига “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида маблаг ажратилиб, 1800 метр қувур орқали оқова сув тортилди. Бунинг натижасида аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиш имконияти яратилди. Натижада аллақачон ҳовлиларга полиз маҳсулотлари экиб, даромад топишни ҳам бошлаб юборишди. Яна бир гап, сув насослари ишлаши муаммосини ҳам аҳоли ҳал қилиб қўйди. Ўзлари ташаббус билан қўёш панеллари харид қилди.

— Шу йил биз учун қувончли воқеаларга бой таразда бошланди, — дейди Оқлтин маҳалласи раиси Жаҳонгир Тангриев. — Энг асосийси, кўп йиллик орзумиз амалга ошди. Хонадонларга оқар сув кириб бориб, дилларни яшнатди. Олдин бир дона дархтнни кўкартириш мушкул эди. Бугун одамларимиз катта қизиқиш билан ҳар бир ҳовлига, кўчаларга дарахт экиб, меҳр билан қарамоқда. Тез орада маҳалламиз яшилликка бурканиши экан. Бундан ташқари, томорқага экин экиш авж олди. Ҳозир маҳалламизнинг дегарли юз фоизи томорқасига картошка эккан. Тез орада бозорга чиқаришни бошлаб юборишади. Аҳоли ўз ерида деҳқончилик қилиш орзусида эди. Бугун шу бахтга эришди.

Тумандаги Ширинобод маҳалласига ҳам шу кунгача бир томчи оқар сув етиб борманган. Шу боис, одамлар томорқасида экин

етиштириш тугул, бирорта кўчат ўстириш имконига эга бўлмаган. Жорий йилда бу ерга янги сув насоси ўрнатиб берилди. Экин майдонларига сув етиб бориши учун бетон лотоклар ётқизилди. Маҳаллага ажратилган 3 миллиард сўмдан ортиқроқ маблаг эвазига 1,5 километр лоток ўрнатиш, 200 метр металл қувур тортиш, битта насос ва трансформатор қуриш, 2 километр масофага асфальт ётқизиш, 4 километрни шағаллаштириш ишлари бажарилди. Бу каби янгиланишлар нафақат иккита маҳаллада, балки тумanning бошқа манзилларида ҳам рўй бермоқда.

Мисол учун, тумандаги тижорат банклари билан биргаликда ижара асосида ажратилган жами 544 гектар ерда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида юқори даромадли экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича 49 та намунавий лойиҳа ишга туширилди.

Маълумотларга кўра, вилоятда бутун 612 мингта хонадонда ҳар йили экин экиладиган 66 минг гектар томорқа ер майдонлари мавжуд.

Вилоятда йилга 3 марта ҳосил оладиган хонадонлар сони 35 фоизга, 2 марта ҳосил оладиганлар эса 70 фоизга етгани бу борадаги ишохотларнинг икбий натижасидир.

Жорий йилда ҳам аҳоли томорқаларида 21 минг гектар сабзавот, 11 минг гектар полиз, 7 минг гектар картошка, 9 минг гектар дуқакли экинлар, 2 минг гектар мойли экинлар ва 13 минг гектар бошқа баҳорғи экинлар экиш ҳисобига 900 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиб, халқимиз дастурхонига етказиб бериш режалаштирилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йили қабул қилинган тегишли қарорга асосан, вилоятдаги оғир тоифадаги 90 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш учун 299 миллиард 500 миллион сўм йўналтирилгани ушбу маҳаллалар аҳолиси турмуш шароити тубдан ўзгаришига замин яратмоқда.

Бугунги кунга қадар оғир тоифадаги 85 та маҳаллада аҳоли томорқа ер майдонларини сўғориш тизимини йўлга қўйиш учун ажратилган 142 миллиард 528 миллион сўм ҳисобидан 39 та насос ўрнатилди, 163 та артезиан қудуқ қазилди, 70,2 километр тармоқ тортилди, 26,5 километр лоток ўрнатилди, 97,2 километр ариқ бетонлаштирилди ва натижада 36 минг 936 та хонадоннинг жами 10 минг 124 гектар томорқаси оқар сув билан таъминланди. Энг қувонарлиси, сув насослари қўёш панеллари орқали қуватлантирилгани ҳисобига аҳоли насосга ишлатилган электр энергиясига ҳам пул тўламайди.

Шу билан бирга, оғир тоифадаги 85 та маҳаллада сўғориш объектлари ишга туширилиши 37 мингта яқин хонадоннинг томорқа-дан даромад олишига ҳамда воҳада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади, албатта. Бу бозорларимиз тўқин, одамлар даромадли бўлишига замин яратади. Зеро, ҳар бир томорқа, ҳар бир қудуқ оилаларнинг фаровон ҳаёти учун очилган эшикдир.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Раҳмоналининг уч ўғли бор. Улар ёнига кириб қолса, рўзгор ташвишлари бирмунча енгиллашишига умид қилиб, бирим икки бўлсин деб хорижга ишга боради. Яқинда учрашганимизда машина сотиб олганини кўриб хурсанд бўлдим. Рўзгор ташвишидан ортиб, мулк сотиб олгани яхши-да.



— Ҳалиям хорижга боряпсаними? — дея ҳамқишлоғимга юзландим.

— У кунлар ортда қолди, ака. Энди уйда туриб ҳам хориждагидан кўра ахшироқ даромад топишман, — дейди мамнун қайфиятда.

Қисқа сўхбат давомида Раҳмонали ўз томорқасида иссиқхона қургани, асалари-чилик билан ҳам машғул экани, меҳнатига яраша даромад топиб, рўзгорини бутлаётгани, даромад чакки эмаслигини баён қилди. Тўнгич ўғли Фарғона давлат университетида таҳсил олаётган экан. Камтар, камсўқум ҳамқишлоғимнинг ютуғи, ҳаётдан мамнунлигини кўриб хурсанд бўлдим. Асал йиғими мавсумида асалхўрликка ўтишни ваъда қилиб, у билан хайрлашдим.

Асаларини етти хазинанинг бири, дейишлари бежиз эмас. Хазина — хазина-да, меҳр берилса, меҳнат қилинса, қўлайиб, салмоғиям, “қаймоғиям” ошиб бораверадиган. Бунинг устига, шифобахш маҳсулот қадрино нархи ҳеч қачон тушмайди. Шу сабабли бу соҳа билан қизиқувчилар кундан кунга кў-

улғайдик. Биздан кейин ўғилларимиз, келин-қизларимиз, невараларимизда ҳам қизиқиш сўнгани йўқ. Демак, ҳали бу анъана давом этади, — дейди тадбиркор. — Бугун юртимизда ёшлар учун кенг имкониятлар яратилган, фақат изланиш, интилиш керак, ҳолос. Уларнинг эришаётган ютуқлари, чет элмачет эл юришларига ҳавасим келади.

Абдувоҳид бобомерос асал етиштириш-ни илмий изланишлар, замонавий услуб ва методлар, инновацион технологиялар билан бойитди. Қўлланма ва китоблар ўқиди, янги нав ва зотлар устида ишлади. Соҳа бўйича ўтказилаётган анжуман ва конференциялар, таловлар иштирокчиси бўлиб, қатор ютуқларга эришди. Асал байрамларида фаол қатнашиб, Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси томонидан “Асалари маҳсулотларини энг кўп экспорт қилган асаларичи” дея эътироф этилди, меҳнатлари муносиб рағбатлантирилди, “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Бугун уни нафақат юртимиз, балки хорижликлар ҳам яхши билади.



пайиб бормоқда. Улар учун янги имконият, имтиёзлар берилляпти.

Бағдод туманидаги “Олчин” маҳалла фуқаролар йиғинида асаларичилик “профессори” Абдувоҳид Убайдуллоевнинг ташаббуси билан “Асал маркази” очилди. У “Бағдод замин асали” деҳқон хўжалиги раҳбари, асалари-чилар сулоласининг учинчи авлоди бўлади.

— Бобом Убайдулло ҳам моҳир асалчи бўлган. Болалигимиздан шу соҳа ичида

Бу ерда фақат бол етиштириш эмас, балки асалари оиласини экспорт қилиш ёки қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга тарқатиш, қизиқувчиларга ўз билганларини ўргатиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Ўтган йилнинг ўзида “Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинида асалари-чилик кооперациясини ташкил қилиш орқали 20 та оила вакилларининг бандлиги таъминланди. Бунинг учун “Бағдод замин асали”

томонидан уларга 60 қутиди 120 та асалари оиласи тарқатилди. Билмаганларини мунтазам ўргатиб борди, аввалига озуқаларига етказиб берди. Қасанчилик асосида етиштирилган маҳсулотни ўзи сотиб олди. Аҳоли битта асалари оиласидан 700-800 минг сўмдан фойда кўрди. Бу ташаббус Олчин, Матқулбод қишлоқларида ҳам кенг қўлч ёзди, тумандаги фермер хўжаликларига 300 та асалари оиласи тарқатилди. Астойдил киришган фуқаролар асалнинг ўзидан 10 миллион сўм, асалари оиласини сотишдан эса 25 миллион сўмгача даромад топди.

— Беш йил аввал 30 та асалари оиласи олгандим. Бугунга келиб улар сони 65 тага чиқди, — дейди Муллавали қишлоғида яшовчи Хошимжон Имомов. — Юракдан чиқариб парвариш қилинса, турган-битгани хазина, даромад манбаи экан. Бу ишларда кооперация вакилларининг хизматлари катта. Барака топишсин, билганларини ўргатиш, маслаҳат беришдан қочмайди...

“Асал маркази” очилган мақсад ҳам бошқаларга ўргатиш, оилаларни даромадли қилиш. Келгусида анитерапия — асалари билан даволаш муассасаси фаолияти йўлга қўйилади бу ерда. Мазкур даволаш усули жуда қадимдан қўлланиб келинади. Жой масаласи ҳал бўлса, даволаш муассасаси биноси ҳам қурилади.

“Ўтган йили мазкур деҳқон хўжалиги томонидан 100 минг долларлик асал экспорти амалга оширилди. Айни кунда 2 мингдан зиёд асалари оиласи парвариш қилинмоқда. Бу йилига ўрта ҳисобда 14-15 тонна асал йиғиб олинади деган гап.

Яқинда покистонлик тадбиркорларга “Бағдод замин асали” бренди остида 20 тонна асал етказиб бериш бўйича шартнома тузилди. “Асал маркази”да эса 30 хилдан ортиқ табиий, соф асал маҳсулотлари, ари боқш ичун кераклик барча ускуна ва қўлланмалар маъмул бўлиб, мутахассислар доимий равишда мижозларга ўз маслаҳатлари билан беминнат ёрдам кўрсатмоқда.

Айтишларича, бир кило асал учун боларилар ўн миллионга гул ва япроққа қўниб, нектар йиғади. Шу сабабли кейинги йилларда фермер ва боғбонлар томонидан асалари-чи фермер билан ҳамкорликда ишлаш истagini билдираётган тақдирлар кўпайган. Гап шундаки, асалари боқилган ҳудудда мевали дарахтлар гули 30 фоиз, пахтагани эса 15-20 фоизгача қўшимча чангланади, ҳосилдорлик ортади.

Бундан ташқари, тумандаги “Аёллар дафтар”га киритилган 20 нафар хотин-қизга йил давомида моддий кўмаклашиш анъанаси йўлга қўйилган. Яқинда эса вилоятдаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун 500 кило асал беминнат тортиқ қилинди.

Бағдод томонларга йўлнингиз тушса, “Асал маркази”га ҳам бир кириб ўтинг. Тилеблар асалдан татиб кўришни, қизиқиш ва имкон топсангиз, бу сердаромад соҳа билан шуғулланишни тавсия қиламиз.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ХАРАЖАТИ ҚУШНИКИДЕК, ДАРОМАДИ ТУЯДЕК

Сурхондарёда паррандачилик соҳасини янада ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, аҳолини маҳаллий сифатли ҳамда арзон паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айниқса, воҳада харажати қушникидек, даромади туядек дея таърифланадиган туяқушчиликка қизиқиш ортиб борапти.



Олтинсой туманининг Бибиайнаб маҳалласида туяқушчилик билан шуғулланётган онахон ҳақида эшитиб, йўлга тушамиз. Кун сайин обод бўлиб бораётган маҳалладан ишбилармоннинг хонадонини осонгина топиамиз. Боиси, унинг донги яқин атрофдаги барча маҳаллага кетган, бир неча кишини иш билан таъминлаган. Кенг майдонда парваришланаётган туяқушларни кўриб, уларнинг емиши ҳам жуссасига яраша бўлса керак деган гап ўтди хаёлимиздан. Аммо 60 ёшли Ойжамол Ҳайитова билан сўхбатда бу фикримиз бир оз нотўғри эканини англадик.

— Жониворлар ичида ўзининг тўйганини биладиган ягона жонот туяқуш, — дейди ишбилармон аёл. — Кўриниши баҳайбат бўлгани билан кунлик озуқаси 2 килога тенг. Жўжалари эса 200 граммдан озуқа ейди. Бу жониворнинг турган-битгани фойда. Бир бош



туяқуш маромида боқилса, 6-7 ойда гўштга тайёр бўлади.

Ойжамол Ҳайитова Олтинсой туманидаги “Туяқуш тиллолари” оилавий корхонаси раҳбари сифатидаги самарали фаолияти

туфайли давлатимиз томонидан 2023 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган.

Мутахассислар фикрича, туяқуш туҳуми ва гўштнинг фойдали хусусияти кўп.

Гўшти витаминга бой, парҳезбop. Имму-нитетни мустаҳкамлайди. Қорамолниқига қараганда тезроқ пишади. Тухуми таркиб-да ҳолестерин йўқ. Қанд касаллигига чалинган ва қон босими юқори беморлар ҳам унинг туҳумидан бемалол истеъмол қилиши мумкин. Туяқуш пати декоратив безак учун ишлатилади. Териси сифатли, ташқи таъсирга анча чидамли. Ундан пойабзал, сумка ва бошқа жиҳозлар тайёрланади. Мойи оғриқ қолдириш хусусиятига эгаллиги туфайли тиббиёт ва косметикада кенг ишлатилади.

Ойжамол Ҳайитова ёшларда туяқушчи-ликка қизиқиш уйғотиш учун таълим мас-канлари ва бошқа жамоат жойларида учра-шувлар ўтказди. Айни кунда 100 га яқин туяқуш парваришланган оилавий корхона раҳбари сифатида фаолияти аввалидаги илк қадамлар, эришаётган ютуқлари ҳақида ҳи-қоя қилиб беради.

Бугун Сурхон воҳасида Ойжамол опа сингари туяқуш боқш билан шуғулланувчи тадбиркорлар кўпаймоқда. Улар оилалар фаровонлиги билан бирга ишсиз-ларнинг бандлигини ҳам таъминламоқда.

Шўрчи тумани Қонобод маҳалласида яшовчи Ҳумоюдин Мусурмонов ҳам туя-қушчилик билан шуғулланади. Маҳаллада янгилли сифатида туяқуш боқа бошлаган Ҳумоюдин аллақачон ёш ва умидли тад-биркор сифатида ўз ишини пухта эгалла-ганлардан.

— Олпита туяқушимиз бор. У жуда тез кўпаяди, касалликларга чидамли, иммуни-тети юқори, — дейди Ҳ.Мусурмонов. — Кела-жақда туяқушларимни кўпайтироқчиман. Туяқушчилик билан шуғулланиш учун жой топиш муаммо дейишди. Аммо бундай эмас. Туяқуш боқш учун кенг жой шарт эмас. Бизнинг қишлоққа ўхшаган ҳудудларда бўш ётган жойлар жуда кўп. Туяқушчилик билан шуғулланиш учун тўрт-беш сотих ер етарли.

Одатда воҳа томонларда туяқушчилик бир оз нотаниш соҳа бўлгани учун кўпчи-лик тадбиркорлигининг бу тури билан шу-ғулланишни қийин деб ўйлайди.

— Ҳозир тадбиркорлик билан шуғул-ланиш учун имконият кўп. Фақат инсоннинг ўзида ҳаракат бўлса, бас. Биласизми, туяқуш қуёшни ва тозаланик ёқтиради. Бу жиҳатдан уни бемалол барака рамзи дейиш мумкин. Рангини тез фарқлайди. Одамларни яхши кў-ради, — дейди туяқушчилик билан шуғул-ланаётган деновлик тадбиркор Абдувоҳид Ҳамзаев.

Бугун энг чекка манзилларда ҳам аввал қўл урилмаган ва истиқболи ҳақида тасав-вур бўлмаган соҳа ҳамда тармоқларда юрт-дошларимиз бемалол фаолият юритмоқда. Салмоқли ютуқларга эришмоқда. Бу ҳам мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани самарасидир.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Мутахассислар фикрича, туяқуш туҳуми ва гўштнинг фойдали хусусияти кўп. Гўшти витаминга бой, парҳезбop. Имму-нитетни мустаҳкамлайди. Қорамолниқига қараганда тезроқ пишади. Тухуми таркибиди ҳолестерин йўқ. Қанд касаллигига чалинган ва қон босими юқори беморлар ҳам унинг туҳумидан бемалол истеъмол қилиши мумкин. Туяқуш пати декоратив безак учун ишлатилади. Териси сифатли, ташқи таъсирга анча чидамли. Ундан пойабзал, сумка ва бошқа жиҳозлар тайёрланади. Мойи оғриқ қолдириш хусусиятига эгаллиги туфайли тиббиёт ва косметикада кенг ишлатилади.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ҒАЛАБА БАЁННОМАСИНИ ОЛИБ КЕЛГАН ЎЗБЕК

Бошланиши 1-бетда

Қаҳрамонимиз маҳаллий йўналишлар, шунингдек, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қозғоғистоннинг қўллаб-қувватлашлари парвозларни амалга оширди. Туманлар марказларида янги кичик аэродромлар ва йўналишлар ташкил этишда ҳам фаол иштирок этди. 1940 йилга келиб, у турли типдаги якка ва кўп моторли самолётларда парвоз қилишни ўзлаштириб олган эди.

Аэроқлуб курсантлари гуруҳида йўриқчи вазифасида фаолият юритган вақтида ўзбек миллатига мансуб биринчи парашютчи қизлардан саналган Бибиниссо Болтабоевани севиб қўлиб, у билан оила қурди.

1941 йилнинг 22 июнида Иккинчи жаҳон уруши бошлангани ҳақидаги хабар бутун дунёни ларзага солди. А.Тайметовнинг ўзини фронтга жўнатиш тўғрисидаги барча муносабатлари жанговар ҳарбий қисмлар учун учувчилар тайёрлашнинг аҳамияти тўғрисидаги вазифа билан рад этилди. Чунки фронт учун ҳарбий учувчиларни тезкор тайёрлаш зарурати пайдо бўлганди. Маҳоратли учувчи шу пайтгача соҳада ўзининг юксак салоҳиятини намойиш этган бўлса-да, энди Сирдарё шаҳарчасидаги учувчилар тайёрлаш эскадрильясида командир лавозимида ўзига топирилган масъулиятли вазифани юқори даражада бажариши керак эди.

У 1941-1942 йилларда 71 учувчини тайёрлади. 1943 йилда 30 дан орტიқ “Ли-2” самолётини фронтга етказиб бериш вазифасини шараф билан адо этди.

Нихоят 1944 йилга келиб, қўмондонликдан фронтга жўнатишларини сўраб ёзган аризасига ижобий жавоб олган Абдусамат Тайметов Тошкентдаги 84-авиазаводда ишлаб чиқарилган “Ли-2” самолётлари билан қуролланган 10-гвардиячи авиация дивизиясига юборилди.

Бу самолёт йўловчи ташишга мўлжалланган бўлса-да, заводда унинг жанговар ҳаракатлар учун такомиллаштирилган варианты ишлаб чиқариладди. Унга ҳимоя пулемёти, бомба илгичлар ва десант ташлаш жиҳозлари ўрнатилган эди. Бу самолёт ҳақида учувчилар “Унинг учинишга ҳалақат бермасанг бўлди”, дейишарди. Шу билан бирга, бу самолётда учуши бомбардимончи самолётда парвоз қилишдан кўра анча қўлай, сабаби унда кабинадан ташқарига чиқиш, чиғал ёзиш мумкин эди.

Тунги парвозлар — жуда жиддий ва масъулиятли вазифа. Фронт чизиги анча узоқ, разведка гуруҳини душман ҳудудига ташлаш, партизанлар учун озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва ўқ-дори етказиш, ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқиш, болалар, аёллар ва кексаларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш, қоронғида нотаниш жойларга қўниш, йўналишни фақат олов ёғдусида аниқлаш каби қатор қийин ва хавфли вазифаларни бажариш қаҳрамонимиз бошлиқ экипажга юклатилган эди.

Абдусамат Тайметов хотираларидан

“Уруш гарчи узоқ Ғарбда кечаётган бўлса-да, у бизнинг ҳам елкамизга ўз оғирлигини ташлаган эди. Биз ҳозирча жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этмасдик ва бу ҳолат бизни азобларди. Меннинг жойим фронтда деб ҳисоблардим. Ариза ёздим. Айтишдики, “Фронт учун учувчиларни тайёрлаш муҳим”. Ҳаракатдаги армия сафига юборишларини сўраб ёзган иккинчи аризама қондирилди. 71 учувчини тайёрлаб берганимдан сўнггина менга фронтга боришга рухсат берилди. 71 учувчи бир авиация полкига тенг шахсий таркиб эди. “Ли-2” самолётдада учуш бўйича қайта тайёргарлик курсини тамомладим. Менга Тошкент



авиазаводида ишлаб чиқарилган “Ли-2” самолётларини фронтга олиб бориш вазифаси юклатилди. 1943 йил давомида 30 дан ортиқ самолётни учуриб олиб бордим. Лекин бу ҳали урушда қатнашимдигани эмасди.

Мана, 1944 йилнинг феврари. Внуково аэропорти. Мен 10-гвардиячи тунги авиация дивизиясининг иккинчи Херсон полки кема командириман. Капитан Никита Богданов билан “Си-47” самолётда бир неча машқ парвози ва биринчи жанговар парвозни амалга оширдик. Американинг қўшимча ёқилти бакига эга, кўп моторли “СН-47” самолёти тўхтовсиз 20 соат парвоз қила олар эди. Ундан фронт чизигидан узоқда жойлашган партизан бўлимайлари таъминоти учун фойдаланиларди. Борт 3-4 тонна миқдордаги юкни ташиш ёки 25 нафар ярадорни жанг майдонидан олиб чиқиш учун жиҳозланган бўлиб, экипаж 5 киши — кема командирини, иккинчи учувчи Пётр Гордиенко, штурман Николай Смирнов, бортмеханик Василий Демин ва бортрадист Михаил Калининдан иборат эди. Экипаж самолётга тезда кўнिकди, биргаликда юқори даражадаги ҳаракатлар уйғунлигига эришди.

Афсонавий партизанлар командирини Ковпак отрядлари жойлашган мантияга амалга оширилган парвоз хотирамда қолган. Ковпак радиограма орқали унинг бўлимасини немислар қуршовга олганини, ёриб ўтиш учун ярадорлар қўллиги ҳалақат бераётганини хабар қилди. Биз тунда бортга уч ярим тонна ўқ-дори ва дорини-дармонни юклаб осмонга кўтарилдик. Фронт чизигини муваффақиятли ортда қолдирдик, зенитчилардан ва ёриқчи-лардан ўтдик. Булутларнинг пастлиги ердаги нишонларни ёпиб турарди. Кўндик.

Мен биринчи бор “кўринмас одам” — партизанлар командирини кўрдим. Ўзимни таништирдим. Ковпак менинг қўлимни сиқиб қўйди ва биз бортга қанча ярадор олишимиз мумкинлигини сўради. Мен “Йигирма бешта”, деб жавоб бердим. Ковпак бош силкиб маъқуллаб қўйди, эътироз билдирмади. Самолётдаги юкларни тушириб, ярадорларни чиқаришнинг бошлашди.

— Сендаги Америка ёриқчиси зўр экан, менга совға қилмайсанми? Мен сенга немис фуражасини бераман, уруш тугаса, болаларингга қўрсатасан, — деди Ковпак.

Мен унга ёриқчимини ҳада қилдим. У хурсанд бўлди ва астойдил раҳмат айтди. Шу пайт иккинчи учувчи Пётр Гордиенко ярадорлар бортга чиқариш якунлангани ҳақида хабар берди.

Мен Ковпак ва унинг қуролдошлари билан хайрлашдик. Бир дақиқадан сўнг самолётимиз ердан оғир кўтарилди. Биз форсажда давраш шохларига тегишимизга эга қолдик. Ровно шаҳри яқинига қўндик. Ярадорларни тушира

Ўзбек ўғлонининг исми тарихга олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Абдусамат Тайметов ўзининг тўрт жанговар сафдоши билан биргаликда 80 йил аввал Берлиндан Москвага Германиянинг урушда сўзсиз таслим бўлгани — капитуляцияси тўғрисидаги акт — баённомани олиб келишдек шарафли вазифани қўйилмақом этиб бажарди.

бошладик. Менга улар нимагадир кўпроқ кўринди. Санасам, қирқ уч нафар экан. Ковпак йигирма беш ўрнига қирқ уч ярадорни чиқариб юборган, у мени ёриқчи сўраб чалғитган экан. Кимга жой етмаган бўлса, парашот ўриндиқлари тагига тиқишибди.

Бу жанговар вазифани бажарганимиз учун экипажимиз эндигина тасвир этилган “Улуғ Ватан уруши партизанига” медали билан тақдирланди.

1945 йил 1 январда мени тунги парвозларнинг маҳоратли учувчиси сифатида махсус топириқларни бажарадиган 19-авиация полкига ўтказишди. Англияга, Францияга учдим. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, юқори унвонли ва мартабали ҳарбий бошлиқлар ҳамда дипломатларни олиб юрдим. Англияга учуш учун биз Техрон, Қоҳира, Триполи, Тунис ва Марсель орқали ўтадиган жанубий йўналишдан фойдаланардик. Ўзларининг хавфсизлик даражалари бўйича улар тинчлик давридаги парвозларга яқин эди.

1945 йил 6 май кунини биз Техрондан Москвага учиб келдик. Экипажга дам олиш ва ҳеч

буйруқни кутиш тўғрисида кўрсатма олдим. Ўйлаб қолдим, топириқ тўғрисида маълумот берилмаган, лекин буйруқ бу — буйруқ-да, жимгина сабр қилиб кутишдан бошқа чорамиз йўқ эди.

Тез орада йўналиш харитасини олиб келишди, трасса Киев орқали Варшавага, Германия — Польша чегараси яқинига кўрсатилган эди. Бутунлай маълумлиқдан кўра бу яхшироқ. Ҳаво намлиги юқори, булутлар паст, майдалаб ёмғир ёғарди. Кўтирмиш. Бир неча енгил машина келди. Ҳарбий ва фуқаро кийимидagi шахслар бортга чиқди. Билишимча, йўловчиларни чиқаришга кўрсатма берилган.

Мен кабинадан чиқмай, ўзимнинг чап ўриндиғимда ўтирибман. Ўнг томондаги иккинчи учувчининг жойи бўш. Демак, вазифани бажаришда иккинчи учувчи қатнашмайди. Йўловчилар кабинаси эшиги қандай ёпилганини эшитдим. Учувчилар кабинасига полк командирини кирди ва менга ўнг ўриндиқда ўтиришимни ва у биз билан бирга учинишни айтди. Менга парвоз бўйича топириқни узатди. Мен иккинчи учувчи жойига ўтдим.



қаерга чиқмаслик бўйича буйруқ берилди. Қандайдир аҳамиятли воқеа кутилаётган эди, лекин ҳажон сизилмасди. Экипаж 7 май кунини ҳам дам олди.

8 май кунини бизни эрта тонгда уйғотишди. Ўзимизни тартибга келтириб, самолётга келдик. Самолётимиз ёқилти билан бўлдирилган ва парвозга шай ҳолатга келтирилган эди. Полк командирини подполковник Алексей Иванович Семеновдан самолётдан чиқмай

у менинг жойимга ўтирди. Командирлик мисораси билан алоқада чиқиб, самолётни учуш йўлагига йўналтирдим. Тўғри Ғарб томон учдик. Юз метрлик баландликка кўтарилдик, қалин булутлар орасига кирдик. Ҳар доимги ишимиз. Шундай ҳолатлардаги тунги парвозлар кўнжамасига эгамиз. Уч юз метрлик баландликдан сўнг булутли ҳудуддан чиқдик. Осмон кўм-қўқ, ёмғирда ювилгандек, қуёш кучли ва ёрқин нур сочарди.



Ушбу очик ҳаво бизга бутун парвоз давомида ҳамроҳ бўлди. Икки соатдан сўнг Киев осмонидан ўтдик ва Варшава томон учдик. Варшава осмонида топириқ варақасини очдим. Унда кўрсатма ва вазифанинг биринчи қисмини бажарганимиздан сўнг очишимиз буюрилган яна бир ҳужжат бор эди. Германия — Польша чегарасида ракетна сигнал орқали бизга кузатиб борувчи олпига кирувчи самолёт қўшилиши керак эди. Чегара ҳудудига яқинлашганимизда қизил юлдузли бомбардимончи ва кирувчи самолётлар кўринди. Биз топириққа кўра самолёт ойнасидан қизил сигнални ракетани учирдик. Иккинчи айланадан сўнг навбатдаги ракетна учирди. Агар сигналдан сўнг кузатувчи самолётлар ҳавога кўтарилмаса, экипаж қўниши керак эди. Улар кўрсатилган вақтда, кўрсатилган жойда пайдо бўлди, бир оз вақт ўтиб, яна учта самолёт қўшилди. Жами тўртга кузатувчи. Ушбу ҳолатда иккинчи ҳужжатни очишимиз кўрсатилган ва вазифани бажаришда давом этишимиз айтилган эди. Мен муҳрланган ҳужжатни очдим: “Йўналиш Берлин томон ва Темпельгоф марказий аэродромига қўниш”. Бир дақиқадан сўнг штурман йўналиш тўғрисида маълумот берди.

Кирувчилар бизни гоҳ қувиб ўтар, муайян вақтдан сўнг қайтар эди. Нихоят пастда ҳеч кимга хавф солмайдиган, тутун ичиди қолган ва бутунлай яқсон бўлган Берлин ястаниб ётарди. Кўнжамиз.

Самолётни генерал-полковник Соколовский кутиб олди. Йўлакда фахрий қоровул сафторган. Вишинский биринчи бўлиб самолёт зинасидан тушди, унинг ортидан генераллар ва фуқаро кийимидagi йўловчилар эргашди.

Тез орада Американинг “Учувчи қалъа” номи билан машҳур самолётни кўндим. Кейин АҚШ, Буюк Британия ва Франция вакиллари келган самолёт кўндим. Сўнгра таслим қилинган гитлерчилар қўниши қўмондонлиги вакиллари келиб кўндим. Фельдмаршал Кейтел ушбу самолётда келган эди.

Ҳаммани кутиб олишди. Экипаж самолёт яқинида бўлиши ва ангардан узоқлашмаслиги тўғрисида буйруқ олди. Биз оқлашдик ва дам олдик.

9 май. Эрта тонгда эллик кишига яқин одам машиналарда келди. Ҳамма ҳуш кайфиятда эди. Генераллар Алексей Семеновга қизил байроқ ва пакет берди. Байроқ ва пакет ғалаба белгиси эканини сездим.

Семенов пакетни менга узатди ва аста шивирлади: “Пакет ичиди Германиянинг урушда сўзсиз таслим бўлгани — капитуляцияси тўғрисида фельдмаршал Кейтел

имзолаган акт — баённома бор. Эҳтиёт бўл, бу бизнинг ғалабамиз”. Мана ўша қутилган хотима. Мана ўша Ватанимизнинг қаҳрамонлиги муваффақият билан тузган кун. Бу қувончли дақиқаларни ҳеч нарс билан таққослаб бўлмас эди. Бундай дақиқалар учун бутун ҳаётининг бағишла-санг арзийди.

Ҳавога кўтарилдик, йўналиш Москвага қаратилган эди. Биринчи янги кунни, биринчи тинч ва осуда кунни кутиб олиш учун парвоз қилишимиз. Осмон тўқ қизил, кейинчалик сариқ рангга кирди. Қуёш нурлари кабинани ёритди.

Эрталаб соат 11 да биз Москвага қўндик. Алексей Семенов бизни кутиб олган генералга қизил байроқ ва пакетни мендан олиб унга топширди. Ҳарбий бошлиқлар ўтирган машина Кремль томон жўнаб кетди. Экипаж кутиб олувчилар даврасида қолди. “Баракалла, қаҳрамон учувчилар!” Барча машҳур экипаж аъзоларини олқишлар, осмонга отиш учун интиларди.

Қизил майдонда машҳур диктор Левитан Германия гитлерчиларининг урушда сўзсиз таслим бўлгани тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттирди.

Бахт — ғалаба бахти қандай бўлишини мен ўшанда кўрдим, иш-ичимдан туйдим”.

Ўзбек ўғлонининг исми тарихга олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Абдусамат Тайметов ўзининг тўрт жанговар сафдоши билан биргаликда 80 йил аввал Берлиндан Москвага Германиянинг урушда сўзсиз таслим бўлгани — капитуляцияси тўғрисидаги акт — баённомани олиб келишдек шарафли вазифани қўйилмақом этиб бажарди. Афсонавий ушбу бешликнинг исми-шарифи маҳфийлаштирилди, улардан давлат сирини ошкор қилмаслик тўғрисида ҳатто тилхат олинди. Фақат буюк ғалабадан 30 йил ўтиб, ўша тақдир улардан олиб ташланди.

Тез орада тарихий парвозни амалга оширган экипажни тақдирлаш тўғрисида фармон эълон қилинди. Абдусамат Тайметов ва унинг экипажи жанговар “Қизил байроқ” ордени билан тақдирланди. Қаҳрамонимизнинг бу ордени фронтдаги хизматлари учун энг олий мукофот бўлди.

Уруш тугади. Абдусамат Тайметов қадрдон юртига қайтиб келди ва фуқаро ҳаво флотига қарашли 161-махсус авиация отряди бошлиғи лавозимига тайинланди. Бир неча йилдан кейин машҳур учувчи Тошкент аэропорти бошлиғи лавозимига фаолият юритиш билан бирга республикамиз Олий совети депутатлигига сайланди.

Уруш бошлангандан 40 йил ўтиб, унинг юраги бошқача уришни бошлади. Шу кунги кекса учувчи фронтда ҳалок бўлган дўстларини, жанговар ўртоқларини, машаққатли жанг майдонларини эслади.

Бир ой ўтмай, 1981 йил 8 июль кунини биринчи ўзбек учувчиси, ғалаба ҳақидаги қувончли хабарини олиб келган Абдусамат Тайметов “Сўнгги парвоз”ини амалга оширди. Бу сафар қайтмас бўлиб кетди. Лекин унинг қаҳрамонлиги ва шарафли номи келгуси авлодлар тилида мудом фахр ва ғурур билан янграб турибди.

Бугунги кунда пойтахтимизнинг Ғалаба боғидаги “Шон-шараф” давлат музейида бир самолёт сақланади. У айнан ўша машҳур ўзбек учувчиси Абдусамат Тайметов Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба тўғрисидаги расмий ҳужжатни — актни олиб келган “Ли-2” русумли самолёт.

Ёш авлод ушбу музейда Абдусамат Тайметов хотирасига бағишланган экспонат тимсолида боболарининг жасоратини, улар амалга оширган буюк ишларни хотирлайди. Улардан ўрناق ва намуна олишга интилади.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
Нурилло АЗИМОВ



Мухтор Расулов ёшлигидан илмга қизиқди. Бу қизиқиш уни мактабдан сўнг Тошкент педагогика билим юртига бошлади. 1940 йилда мазкур ўқув юртини битирган мутахассис Тошкент тумани Чангхисорак қишлоғидаги тўлиқсиз ўрта мактабга юборилди. Ўша даврда мактабларда ўқитувчи етишмас, муаллимлар бир дарсдан чиқиб, навбатдагисига киришга мажбур бўлар, нафас ростлаб олиш учун вақт етишмасди. Айниқса, ўша паллада амалда бўлган эски лотин ёзуви ўрнига бирдан, ҳеч қандай тайёргарликсиз кирилл ёзувининг жорий этилиши бу жараёни янада мураккаблаштириб юборди. Ёш муаллим мактабда физика ва математикадан дарс бериш билан бирга илмий мудирлик ҳам қиларди. Шунинг учун ўқитувчилар билан ҳам алоҳида машғулот ўтарди.


УЧУВЧИ ВА ОЛИМНИНГ УМР МАЗМУНИ

1940 йил октябрда Мухтор ҳарбий хизматга қақирлиб, собиқ иттифоқдаги ҳарбий учувчилар мактабига сафарбар қилинди. У самолётда учуш, нишонга ўқ узиш, рақурс бўйича ҳавода машқ қилиш, радиоалоқа ўрнатиш, парашютдан сакраш каби зарур кўникмаларга эга бўлди.

Тўсатдан бошланган мудҳиш уруш мамлакатдаги тинч-осуда ҳаётни издан чиқариб юборди. Мухтор Расулов таълим олаётган ҳарбий учувчилар мактабидаги икки йиллик ўқиш ҳам бир йилда поёнига етди. Йигит янги ташкил этилаётган авиация полкига жўнатилиди. Мазкур полк ҳали шаклланмаган эди. У ерда тажрибали учувчилар етишмас, ёш учувчиларнинг қўли эса Мухтор Расулов сингари етарли даражада амалиётга эга эмасди.

1941 йил июлда Мухтор биринчи бор жангга кирди. Шу тарика ўлим билан неча бор рўбарў келиб, айрим пайтларда ажал чангалига тушиб қолишга бир бахя қолди.

Собиқ учувчининг шахсий архивда сақланаётган ҳужжатлар орасида мудофаа архивдан олинган материаллар ҳам бор. Уларда Мухтор Расулов бутун уруш мобайнида 100 мартадан ортиқ жанговар парвоз қилгани, улардан 60 дан зиёда разведка мақсидида бўлгани, учта душман самолётини уриб туширгани баён этилган. Расулов эскадрильяси биринчи бўлиб Берлин устида разведка ишларини амалга оширгани ўша даврдаги ҳарбий сураткашлар томонидан ишланган плакатда



акс эттирилиб, фронтнинг қўллаб-қувватлашга олиб қўйилган эди. Инсоният тарихида ўчмас доғ бўлиб қолган Иккинчи жаҳон урушида кўрган-кечирганлари муаллифнинг “Алтанга-ли йилларим” номи китобида батафсил қайд этилган.

Қаҳрамонимиз фронтдан қайтгач, бир муддат масъул лавозимларда ишлади. Аммо мураббийликка меҳри 1951 йилдан бошлаб яна таълим тизимига қайтишга ундади. Педагогик фаолиятини ассистентликдан бошлаган Мухтор Расулов Самарқанд кооператив институтини ректорлигига бўлган шошари билан йўналиш босиб ўтди. Кўп йиллар мазкур олийгоҳга раҳбарлик қилди.

Институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замон талабларига жавоб берувчи юксак маълали мутахассислар тайёрлаш, ўқув-тарбиявий, илмий ишларни жонлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Қисқа муддатда Марказий Осиё республикаларида институт филиаллари очилди. Технология мутахассислиги бўйича Болтиқбўйи мамлакатлари, Новосибирск ва бошқа шаҳарларда ўқув гуруҳлари ташкил этилди. Хуллас, беш йилда институт талабалари 1800 дан 7500 нафарга етди.

Албатта, талабалар сони ошиши зудлик билан ечим топиш лозим бўлган янгида янги вазифаларни вужудга келтирар эди. Масалан, бир томондан ўқитувчиларни кўпайтиришга тақозо этса, бошқа томондан талабалар ва педагоглари турар жой билан таъминлаш учун катта қурилиш ишларига туртки берди. Бу каби муаммо ва қийинчиликлар, масъулиятдан чўчимаган Мухтор Расулов биринчилар қаторида муҳтож талабаларни ётоқхона билан тўлиқ таъминлашга муваффақ бўлди.

Ўқитувчи, мураббийликнинг масъулият ва шарафли жиҳатларини тўлиқ ҳис этган, ўзаро уйғун олиб борган инсонгина мазкур касбнинг ҳақиқий эгасига айланади. Ушбу ҳаётини қондани ахши англаб етган Мухтор ака илмий салоҳиятини янада ошириш мақсидида 1958 йилда номзодлик, 1973 йилда эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Илмий тадқиқот фаолияти даврида бир неча монография ва дарсликлар битди.

Мустақиллик олими янги куч-ғайрат, илҳом бахш этди, илмий-педагогик фаолиятида янги қирралар очилишга сабаб бўлди. Зеро, Ўзбекистоннинг ўш мустақил тараққёт йўлини танлаши, миллий иқтисодиётни бутунлай ўзгартирган ҳолда, замонавий иқтисодиётни барпо этиш йўлидаги катта ихлоқотлар, мамлакатимизда иктимойий йўналтирилган бозор муносабатларини йўналиш этиш жараёни илмий педагог кадрлар олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Ушбу вазифаларни чуқур англаган ва тасаввур этган ҳолда Мухтор Расулов бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ўзига ҳос мураккабликлари, хусусиятлари, мамлакатимиз иқтисодиётини янгида барпо этиш борасидаги изчил ихлоқотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишдек масъулиятли жараёнда фаол иштирок этди. У кадрлар тайёрлашда тарбиянинг аҳамияти, инсон маънавиятининг ўрнига алоҳида ёндашди. Таълим-тарбиянинг узвийлиги тўғрисидаги қоида унинг ҳаётий принципларидадан бири эди. Шунингдек, ўқувчи ва талабалар, турли идора ва ташкилотлар меҳнат жамоалари билан учрашиб, маънавиятга оид мавзуларда суҳбатлашиб ҳам устоз учун қизган жараён бўлган.

Тўғрун ЗИЯЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети фахрий доктори

Биз наво сўзининг биргина маъносини биламиз. Ҳазрат Навоийга таҳаллус бўлган куй, қўшиқ, оҳангни тушунамиз. Дарҳақиқат, наво аксар шу мазмунда келади. Бир вақтлар “Муштум” журналининг нарх-навони қандай тушунтирасиз, деган саволига шундай ҳазил жавоб берилган эди:

Наво — қўшиқ, муסיқа, оҳанг, Нарх маъноси — баҳо бўлади. Нархни кўриб ашула айтсанг, Ўшанда нарх наво бўлади.

Бу аскиянамо жавоб **наво** сўзини фақат бир маънода тушуновчиларга ҳам қаратилган ҳазил эди. Аслида, **нарх-навонинг** ашулага алоқаси йўқ. Ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар мажмуи ҳам **наво** дейилади.

Навосиз улуснинг навобахши бул, Навоий ёмон булса, сен яхши бул!

Сиз кўп бор эшитган бу байтдаги **наво** айнан шу мазмунда. **Навосиз** улус — эҳтиёжманд халқ, **Бенаво** ҳам шу. **Навобахш** бўлмоқ — бенаволарга нажоткор бўлмоқдир. Улуғ шоир ва давлат арбобининг ўз укаси Дарवेशалига қилган насихати юксак инсонпарварлик тараннуми бўлиб қалбларимиздан жой олган.

Нарху наво — факатгина лозим нарсалар баҳоси эмас. У кенг тушунча — бозорнинг аҳволи, қимматчилик ё арзончилик белгиси, халқнинг турмуш даражасига кўрсаткич.


Наво сўзи тўғрисида бир оғиз сўз: бу калиманинг маънолари кўп. **Тартибу интизом, ризку емак, лашкару қурол, бойлигу равнақ, фарзанду авлод, сабру шукрона, тухфаю садақа, туктинлигу занжир...**

Ҳофиз Хоразмийнинг шундай байти бор: *Фақр йўлига бос қадам, изла навони дам-бадам, Хони эҳсонда чунки йўқ ҳеч наволага наво.*

Биринчи сатрдаги **наво** — **сабру шукрона** маъносида келган бўлса, иккинчи сатрдаги **наво** — **равнақ**ни билдиради. Шоир айтмоқчики, эй инсон, бойликка ружу қилма, фақирликка сабр қил, шукрона айт. Бу дунё дастурхонидан еган луқманг — **наволанг** сенга руҳий равнақ, камолот келтирмайди.

“

Донишманд халқ нарх ва наво каби икки сўзни қовуштириб, учинчи сўз ё атама ясашга омиЛ. дарсга хона, сутга чой, тузга сув, пахтага иш, қўлга рўмол, носта қовоқ, намозшомга гулни шундоққина ёндош қўйиб дарсхона, ширчой, намакоб, пахтакор, дастрўмол, носқовоқ, намозшомгуЛ ясалган.



Донишманд халқ **нарх** ва **наво** каби икки сўзни қовуштириб, учинчи сўз ё атама ясашга омиЛ. **Дарсга хона, сутга чой, тузга сув, пахтага иш, қўлга рўмол, носта қовоқ, намозшомга гулни шундоққина ёндош қўйиб дарсхона, ширчой, намакоб, пахтакор, дастрўмол, носқовоқ, намозшомгуЛ** ясалган.

Худди шундай **сув** билан **ҳаво** бирикиб, русча **погода**, инглизча **weather** маъносидagi **об-ҳаво** сўзи пайдо бўлди. Дарҳақиқат, об-ҳаво сув билан ҳавонинг ҳолати, ҳаракатига боғлиқ тушунча. Намлик, ёгин-сонин, оқар сув, денгиз ҳамда ҳавонинг иссиқ-совуқлиги, шамолнинг кучи об-ҳавони белгилайди.

Бобур Мирзанинг **об-ҳаво** сўзи гўзал шеърин санъатга айлган шундай байти бор:

Оху ёшимдин орпадур загъф, эй табии, Билдим, ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Яъни йиғлаб кўз ёш тўқканим, ох урганим сайин заифлигим ортиб ишора қилди. Кўз ёш тўқишда сувга, ох тортишда ҳавога бормоқ. Демак, бу сув, яъни об ва ҳаво менга тўғри келмай қолди дейди шоир ва кўз ёш, оху фарёнинг фойдасизлигини айтиш билан бирга Ҳиндистоннинг об-ҳавоси ўзининг соғлиғига маъқул эмаслигига ҳам ишора қилади. Коса тағида яна ним-коса бор. Маълумки, дарди оғирлашган беморга табиб “Об-ҳавони ўзгартиринг”, дейди. Шоир қалбидаги юрт соғинчи, айрилиқ дарди, об-ҳавони ўзгартириш орзуси ҳам байтда ўз ифодасини топган. Мана бу сатрлар ҳам Мирзо Бобурники:

Ковун бирла узумнинг ҳажрида кўнглимда гам ҳар сў, Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳар дам оқар су(в).

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ХОРИЖЛИКЛАР ТИЛИГА ТУШГАН УЗУНБУЛОҚ

Туризм



ЎЗУНБУЛОҚ
TURIZM
MAHALLASI

Юртимиз фақат Бухоро, Самарқанд ёки Хива каби тарихий ва қадимий шаҳарлари билан эмас, балки қишлоқлари билан ҳам сайёҳларни жалб қилмоқда. Бунки қишлоқ туризмга алоҳида эътиборнинг самараси десак, муболага бўлмайди. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий гўзаллиги, тарихий ёдгорликлари ва миллий қадриятлари туризмни ривожлантириш учун бекиёс имкониятлар тақдим этмоқда. Туризмнинг ушбу янги йўналиши нафақат сайёҳлар учун янгилик, балки аҳоли учун ҳам янги имконият эшигини очмоқда. Бундай ютуқларга Ғаллаорол туманида жойлашган Узунбулоқ маҳалласи мисолида яққол гувоҳ бўлиш мумкин.

Узунбулоққа “туризм маҳалласи” мақоми берилиши нафақат расмий эътироф, балки аҳоли ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Илгари деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган қишлоқ аҳли бугун туризм хизматлари орқали даромад манбаларини кенгайтирмоқда. Оилавий меҳмон уйлари, ҳунармандлик марказлари, овқатланиш шохобчалари ва савдо нуқталари янги иш ўринлари яратиб баробарида маҳаллий аҳоли даромадини ҳам оширмоқда.

Маҳаллада Саъдидин Абу Ваққос зиёратгоҳи жойлашган. Ҳар йили минглаб маҳаллий ва хорижий сайёҳни чорловчи бу муқаддас қадамго зиёрат туризми ривожига катта туртки бермоқда. Зиёратчилар учун яратилган шароитлар, маҳаллий аҳолининг меҳмондўстлиги, миллий урф-одатларни намоен этувчи тадбирлар ва анъаналар сайёҳлар хотирасида унутилмас таассурот қолдирмоқда.

“Туризм маҳалласи” мақоми берилиши баҳонасида Узунбулоқда кенг қўламини инфратузилмavi ўзгаришлар кечди: йўллар таъмирланди, электр тармоқлари янгиланди, пиеда йўлаклари барпо этилди. Бу ўзгаришлар нафақат маҳалланинг ташқи қиёфасини, балки аҳолининг турмуш тарзи ва дунёқарашини ҳам ўзгартирди. Одамлар ўз уйини меҳмонлар учун муносиб ҳолга келтиришга интила бошлади, меҳмондўстлик ва хизмат кўрсатиш маданияти янги босқичга кўтарилди.

— Маҳалламизга “туризм маҳалласи” мақоми берилгани биз учун улкан масъулият ва имконият ҳамдир, — дейди маҳалла оқсоқоли Турдибек Қўшматов. — Туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани сабаб Узунбулоқ маҳалламизда ҳам жиддий ўзгаришлар бошланди. Авваллари одамлар уйда меҳмон қабул қилишдан кўра дала ишларига, чорва боқишга эътибор қаратарди. Энди эса ҳар бир хонадан ўз уйини меҳмонхонага айлантиришга ҳаракат қияпти. Айни пайтда маҳалламизда 10 та оилавий меҳмон уйи, 2 та умумий овқатланиш шохобчаси, зиёратгоҳлар, ҳунармандлик марказлари ва савдо нуқталари бор. Бу эса аҳолининг иш билан бандлиги, даромади ошишига хизмат қилмоқда. Айниқса, аёллар ва ёшлар орасида тадбиркорликка қизиқиш кучайди.

“Туризм маҳалласи” мақоми нафақат сайёҳлар учун қулай муҳит яратди, балки қишлоқнинг ички салоҳиятини очиб берди.

— Ўтган йили Ўзбекистон туризм соҳасида тарихий ютуқни қайд этди, — дейди Узунбулоққа “туризм маҳалласи” мақомини бериш маданий тадбирининг очилиш маросимида Туризм қўмитаси бошқарма бошлиғи Иброҳимжон Барноев. — Мамакатимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони илк бор 10 миллиондан ошди. Бу ракам тасодиф эмас, балки кейинги йилларда туризмни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлохотлар ва амалий ҳаракатларнинг натижасидир. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бу билан тўхтаб қолмаймиз. Бой тарихий-маданий меросимиз, гўзал ва бетакор табиятимиз сайёҳларни 2-3 қарра оширишга етади”.

Яқинда давлатимиз раҳбари туризм қишлоқлари ташкил этилишига суқташликни танқид остига олган эди. Шундан сўнг Ғаллаорол туманида ушбу туризм

МАТОНАТЛИЛАР МАЙДОНИ

Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб қилишининг янги даври бошланди



Адаптив спорт турлари бўйича 2024 йил мобайнида республика миқёсида жами 50 та спорт тадбири ташкил этилди. Уларга жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган 2422 шахс жалб этилиб, спорт тадбирлари учун 6,2 миллилар сўмига яқин маблағ йўналтирилди. Адаптив спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро миқёсдаги спорт тадбирларида миллий терма жамоа таркибига киритилган 217 спортчи жалб этилиб, улар 16 та халқаро спорт тадбирида иштирок этди ҳамда маъзур тадбирлар учун вазирик томонидан 3,5 миллилар сўмига яқин маблағ ажратилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун “Инсон” ижтимоий марказлари томонидан йўллама бериш тартиби жорий қилинди. 2025 йил 1 майга қадар 4784 та йўллама берилди. “ERP sport” ягона электрон бошқарув тизими орқали рўйхатдан ўтганлар сони бугунга келиб 9174 тага етди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишнинг янги даври бошланмоқда. Бу борада яхлит тизим жорий қилинди. Тенг имкониятлар яратилиши натижасида матонатли юртдошларимиз орасида спорт билан шуғулланишга бўлган қизиқувчилар сони янада ошди.

Адаптив спорт турлари бўйича 2024 йил мобайнида республика миқёсида жами 50 та спорт тадбири ташкил этилди. Уларга жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган 2422 шахс жалб этилиб, спорт тадбирлари учун 6,2 миллилар сўмига яқин маблағ йўналтирилди. Адаптив спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро миқёсдаги спорт тадбирларида миллий терма жамоа таркибига киритилган 217 спортчи жалб этилиб, улар 16 та халқаро спорт тадбирида иштирок этди ҳамда маъзур тадбирлар учун вазирик томонидан 3,5 миллилар сўмига яқин маблағ ажратилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун “Инсон” ижтимоий марказлари томонидан йўллама бериш тартиби жорий қилинди. 2025 йил 1 майга қадар 4784 та йўллама берилди. “ERP sport” ягона электрон бошқарув тизими орқали рўйхатдан ўтганлар сони бугунга келиб 9174 тага етди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишнинг янги даври бошланмоқда. Бу борада яхлит тизим жорий қилинди. Тенг имкониятлар яратилиши натижасида матонатли юртдошларимиз орасида спорт билан шуғулланишга бўлган қизиқувчилар сони янада ошди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ КАСАНЕР ҚИЛИНГ.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-546.
36390 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаххас: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 20:55 Топирилди — 23:15